

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2023 йил 13 июль, № 143 (8486)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ БИЛАН ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июль куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) бош котиби Зураб Пололикашвилини қабул қилди.



БМТ тизимидаги ушбу етакчи соҳавий ташкилот билан Ўзбекистонда замонавий туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва юртимизга туризм

йўналишларини оммалаштириш борасида кенг қўламли ҳамкорликни янада илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Сўхбат аввалида бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмалари ва институтлари номидан давлатимиз раҳбарини бўлиб ўтган

Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан самийий табриклариди, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар тилади. Туризм тармоғининг

жорий йилдаги бош халқаро тадбири — октябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлажак ЮНВТО Бош ассамблеясининг 25-сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда замонавий ва қулай туризм инфратузилмасини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга етакчи инвесторлар — танли хорижий компания ва брендларни жалб қилиш масаласида амалий ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда халқаро имижни илгари суриш, таълим соҳаси ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида қўшма чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилади, жумладан, ЮНВТО Халқаро академияси ва мавзули офиси ташкил этилади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мотбоот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АРМАНИСТОН БОШ ВАЗИРИ БИЛАН ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ MASALALARINI MUHOKAMA QILDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян билан 12 июль куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида икки томонлама муносабатларни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Арманистон ҳукумати раҳбари мамлакатимиз етакчисини Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан табриклаб, катта муваффақиятлар ва бахт-саодат тилади.

Сўхбатда амалий ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш мақсадида Ҳукуматларо комиссиянинг биринчи йиғилиши ҳамда қўшма ишбилармонлик тадбирларини ўтказиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДАГИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

12 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф телефон орқали мулоқот қилдилар.

Икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Покистон етакчиси давлатимиз раҳбарини бўлиб ўтган Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самийий қутлаб, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванк тилади.

Сўхбат чоғида томонлар савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар соҳалар-

да олий даражада қабул қилинган битим ва келишувлар амалга оширилиши муҳимлигини қайд этидилар.

Мамлакатларимиз етакчи корхоналари кооперациясини ривожлантириш ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини оширишдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Трансафғон темир йўлини куриш лойиҳасини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ РЕСПУБЛИКАДА МИЛЛИЙ АСКИЯ ВА ҚИЗИҚЧИЛИК САЊАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни, шу жумладан, миллий аския ва қизиқчилик санъатини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш ва келгуси авлод учун номоддий маданий мерос сифатида етказиш мақсадида:

1. Марғилон шаҳрида Маданият ва туризм вазирлиги тизимида давлат муассасаси шаклида Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги республика аския ва қизиқчилик санъати маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аския ва қизиқчилик ижрочилиги йўналишида “Устоз — шогирд” анъаналарини ривожлантириш, истеъдодли ёшларни тарбиялаш, уларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, маданият ва таълим муассасаларида аския ва қизиқчилик санъати тўғрисидаги таълим ва таълимчиликни ташкил этиш;

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг аския ва қизиқчилик санъатини сақлаш ва тарғиб этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, бу борада, ижодкорлар, фольклоршунос олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг ижодий ва илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

аския ва қизиқчилик билан шуғулланувчи ижодкорларга ҳар томонлама қўмаклашиш, оммавий байрамлар ва маданий тадбирларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, мамлакатимизда ва хорижий давлатларда гастроль фаолиятини амалга ошириш, фестивал, кўрик-танлов, ижодий кечалар, аския ва қизиқчилик томошаларини ташкил этиш;

аския ва қизиқчилик санъатининг пайров,

қофия, баҳри-байт, афсона, радифо, айтишув, раббия каби ноёб шакллари асраш ва тарғиб этиш, саҳнавий сюжетларини ривожлантириш ҳамда истеъдодли сўз усталарининг ижод фондиди ва махсус адабиётларни яратиш.

2. Куйидагилар:

ҳар йили сўз усталари ва қизиқчилар ўртасида “Хуш кайфият” республика кўрик-танлови ҳамда аския кечалари;

аския ва миллий қизиқчилик санъатимизни жаҳон миқёсида тарғиб қилиш мақсадида ҳар икки йилда бир марта “Табассум” халқаро кулги фестивали;

ҳар йили аския ва қизиқчилар жамоаларининг маҳаллий гастроль сафарлари;

республикадаги маданий марказлари, маданият ва санъат йўналишидаги таълим ташкилотларида аския ва қизиқчилик санъати тўғрисидаги таълим ва ижодий жамоалари ҳамда уларнинг жамоатчилик учун ҳар йили хисобот концертлари ташкил этилсин.

3. Аския ва қизиқчилик санъати билан шуғулланувчи ижодий жамоалар ва ёзувчи-драматурглар томонидан биргаликда яратилган ҳажвий асарларни саҳналаштириш, ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш ва аҳолига хуш кайфият улаштиришга қаратилган концерт-томоша тадбирларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

ҳар йили камидга 3 та илмий-тадқиқот ишларида давлат бюртмасини танловлар асосида шакллантириш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ «ХИВА — 2024 ЙИЛДА ИСЛОМ ДУНЁСИНING ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ» ХАЛҚАРО ТАДБИРИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хива шаҳри 2024 йилда “Ислам дунёсининг туризм пойтахти” деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда Хива шаҳрининг туристик салоҳиятини халқаро майдонда фаол тарғиб қилиш мақсадида:

1. 2022 йил 27 — 29 июнь кунлари Боку шаҳрида (Озарбайжон Республикаси) бўлиб ўтган Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг XI сессиясида Хива шаҳри 2024 йилда “Ислам дунёсининг туризм пойтахти” деб эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар: “Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти” халқаро тадбирига (кейинги ўринларда — халқаро тадбир) тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — ташкилий қўмита) таркиби 1-иловага мувофиқ;

“Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти” халқаро тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2024 йил март ойида “Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти” шиори остида Хива шаҳрида халқаро тадбирнинг расмий очилиш маросими ҳамда

май ойида Хива шаҳрида Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг XII сессияси ўтказилади;

б) ушбу халқаро тадбирга Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлардан иштирокчилар ва экспертлар жалб қилинади, халқаро тадбир оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилади;

в) Хива шаҳрининг туристик салоҳиятини халқаро майдонда фаол тарғиб қилиш мақсадида 2023-2024 йилларда куйидаги тадбирлар ўтказилади:

“Taste of Uzbekistan Festival” шиори остида гастронимик фестивал;

Пахлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган “Strongmen” халқаро баҳодирлар ўйини мусобақаси;

“Халқаро зиёрат туризми ҳафталиги” доирасидаги тадбирлар;

г) масъул вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари ушбу қарорда назарда тутилган топшириқлар, шунингдек, ташкилий қўмитанинг тезкор кўрсатмаларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

4. Ташкилий қўмита (А. Арипов):

чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича масъул давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб босин;

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВДА ХАЛҚИМИЗ ЎЗ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИ НАМОЁН ЭТДИ

Шу йилнинг 9 июль куни республикамизда яна бир муҳим сиёсий тадбир, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори савия ва демократик тамойиллар асосида бўлиб ўтди.

Мушоҳада

Мазкур сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддаси ҳамда 2023 йил 8 май куни қабул қилинган “Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида”ги Президент Фармонида мувофиқ муддатидан илгари ташкил этилган барча янги хабари бор.

Шу ўринда айтиш жоизки, янги-янги Конституция талабидан келиб чиқиб, 2023 йилнинг 6 май куни Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор,

жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муддатидан илгари ўтказилишини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Эътиборлиси, ушбу ўзгариш ва қўшимчаларга биноан, сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши фуқаролар сайлов ҳуқуқи кафолатлари ҳамда давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгроқ таъминлашда муҳим омил бўлди.

Сайлов жараёнидаги тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда сайлов натижаларига тўғраладиган бўлса, у тўлиқ демократик тамойил ва халқаро

нормаларга мувофиқ очик ҳамда шаффоф тарзда ташкил этилди ва ўтказилди. Сайловчиларга эркин овоз беришлари учун сайлов участкаларида керакли барча шарт-шароит яратилди.

Фуқаролар ўз конституциявий ҳуқуқларидан тўла фойдаланишлари учун 10784 сайлов участкаси, жумладан, ўлтиз тўққизта хорижий давлатда тузилган 56 сайлов участкаси овоз бериш учун тайёрланди. 19 миллион 593 минг 838 нафар сайловчи рўйхатга олинди. Улардан 15,6 миллиондан зиёди ёки қарийб 80 фоизи ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, ўзи муносиб деб билган номзодага овоз берди.

Шунинг ўзиёқ халқимиз сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти оргганини кўрсатади. Бунга яна қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Андиджон вилоятининг Балиқчи тумани-

да 97 ёшли отахон ўзининг 60 нафар оила аъзолари билан сайловда бирга бориб овоз берганини, Фаргона вилоятида 128 ёшли Хувайдо момо, Наманган вилоятида яшовчи 110 ёшли момо 85 ёшли қизи билан сайловда фаол қатнашгани ҳам юртимизда ёшувари Ватанимизнинг келажагига беварфқ эмаслигини далиллайди.

Ўзбекистонда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган ҳолда фаолиятини олиб бораётган партиялар Конституцияга асосланиб, ўз номзодларини кўрсатади. Бу номзодлар ҳақиқатда ҳам эл-юрт хурматида сазовор, маълум раҳбарлик лавозимларида ишлаган, ҳаётий тажрибаси бор, дунёқараш кенг, билимли инсонлардир.

Сиёсий партиялар ўз номзодларининг дастури юзасидан фаол тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бор-

ди. Жойларда учрашувлар ташкил этилди.

Овоз беришни уюштириш жараёнида сайлов округ ва участкаларида юз мингдан зиёд одамлар иш олиб борди. 800 нафарга яқин халқаро кузатувчилар жараёнларни кузатди. Улар орасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Туркий мамлакатлар Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва МДҲ Парламентларо Ассамблеяси, Ислам ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалардан ва дунёнинг 47 давлатидан ташриф буюрган кузатувчилар бор. Жараёнларни 1400 дан ортқ маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари ёритиб борди.

➡ 2

Дунё нигоҳи ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ЎЗ МАМЛАКАТИНИНГ КЕЛАЖАГИГА КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙДИ

Хитой экспертлари 9 июль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловининг ақунлари тўғрисида.

Цзинь ЧЖЭ, Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари:

— Ўзбекистон фуқаролари муддатидан илгари Президент сайловида фаол иштирок этидилар. Бу Ўзбекистон халқининг ўз мамлакатининг келажақдаги тараққиётига комил ишонч билан қарашидан далолат беради.

Ўзбекистонликларнинг аксарияти Президент Шавкат Мирзиёевга овоз бергани унинг ислохотлар ва очиклик сиёсати кенг қўллаб-қувватланаётганини тасдиқлайди. Ўзбекистон раҳбари 2016 йилда давлат раҳбари лавозимига келган пайтдан эътиборан бошлаган кенг қўламли трансформация дастури амалга оширишда давом этмоқда.

Ли ЮНЦЮАНЬ, ХХР Давлат кенгашининг Ижтимоий ривожланиш маркази ҳузуридаги Евроосий ижтимоий ривожланиш тадқиқотлари институти директори:

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси бир томондан, мамлакатда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси бўлган муваффақиятлар асосида, иккинчи томондан эса дунёда кечаятган геосиёсий воқеалар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини синчковлик билан ўрганиб чиқиб, ишонч билан айта оламани, унинг амалга оширилиши халқнинг ҳаёти ва фаровонлигини яхшилаш учун янги шарт-шароитларни яратиш асосида давлат ва жамиятни мустақкамлашга хизмат қилади.

— 9 июль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатда апрель ойида ўтказилган конституциявий референдумнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Ушбу тадбирлар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини янада илмий ҳаётга таъбиқ қилиш учун муҳим институционал асос ва кафолат яратгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА МИЛЛИЙ АСКИЯ ВА ҚИЗИҚЧИЛИК САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

ҳар йили камида 5 та сахнада намоиш этишга мўлжалланган ҳажвий асар учун давлат буюртмасини бериш;

ижодий танлов асосида эркин ижодкор ва жамоалар томонидан ҳар йили камида 10 та концерт-томоша тадбири ва аския кечаларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш;

ҳар йили камида 25 та юксак бадий савиядаги интернет ва ижтимоий тармоқлар учун мўлжалланган аудиовизуал асарлар яратиш учун давлат буюртмасини бериш, бунда энг кенг оммалашган 5 та аудиовизуал асар ижодкорларини Маданият ва туризм вазирлиги ҳайъатининг қарори билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридан бир мартали пул мукофоти билан тақдирлаш белгилансин.

Ушбу банднинг иккинчи хатбошида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар давлат илмий дастурлари доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан, учинчи — бешинчи хатбошиларида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Маданият ва туризм вазирлигига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Қуйидагилар: Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги республика аския ва қизиқчилик санъати марказининг Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ;

Аския ва қизиқчилик санъати соҳасидаги таниқли ижодкорлар томонидан ташкил этилаётган маҳорат мактаблари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Аския ва қизиқчилик жамоаларининг 2023–2024 йилларга мўлжалланган маҳаллий гастроль сафарлари режаси 3-иловага мувофиқ;

Аския ва қизиқчилик жамоаларининг 2023–2024 йилларга мўлжалланган корхона ва ташкилотларга гастроль сафарларини ташкил этиш режаси 4-иловага мувофиқ;

Республикада аския ва қизиқчилик санъатини ривожлантириш ва илмий-ўрганиш ҳамда тарғиб этишни қўллаб-қувватлаш бўйича 2023–2024 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Давлат органлари, муассасалари ва корхоналари ҳар чоракда камида бир мартаба бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг маданий-эстетик ҳордиқ чиқаришлари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш, шунингдек, концерт, цирк ва театрларга, аския, қизиқчилик ва сўз санъати томошаларига кириш учун чипта ва абонементларни харид қилиш амалиётини йўлга қўйсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиқов), ҳўжалик жамиятлари муассиси бўлган бошқа давлат органлари бир ой муддатда устав фондида (капиталида) давлат улushi 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳўжалик жамиятлари ҳамда давлат корхоналарининг бошқарув органлари йиғилишларида ушбу ташкилотлар буюртмаси асосида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ўтказиш вазифасини бизнес-режага киритиш бўйича ташаббус билан чиқсин.

Маданият ва туризм вазирлиги (О.Назарбеков) ҳар ойнинг 25-санасига қадар келгуси ойда ташкил этиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша, шу жумладан, аския ва қизиқчилик томошалари ҳақида давлат бошқаруви органлари, муассасалари, корхоналари ва ҳўжалик жамиятларини хабардор қилиб босин.

6. Белгилансинки: аския ва қизиқчилик санъати соҳасида таниқли ижодкорларнинг маҳорат мактаблари фаолияти йўлга қўйилади;

ушбу қарорда белгиланган тартибда ўзининг маҳорат мактабларини яратган ижодкорлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асосий иш жойи орқали ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 5 баравари миқдоридан кўшимча рақаблантириш борилади;

маҳорат мактабларига улар фаолият юритадиган муассасанинг

объектларидан текин фойдаланиш ҳуқуқи берилиб, уларга ушбу муассаса томонидан алоҳида хона ажратилади ва бошқа зарур шарт-шароитлар яратилади.

7. Марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ижодкорлари ижтимоий шароитини яхшилаш мақсадида:

Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан Марказни сақлаш ва унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун маҳаллий бюджетдан 2023 йилда 2,3 миллиард сўм, 2024 йилдан бошлаб эса Марказ талабномаси асосида зарур маблағлар ажратилади;

“Ўзбектелеком” АҚнинг доимий равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатишни назарда тутувчи “Дўстлар клуби”ни ташкил этиш ҳамда 2023 йил учун 5 миллиард сўм ҳомийлик хайриясига ҳамда келгуси йилларда ҳам ҳомийлик хайриялари ажратиб бориш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

Марказ Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 470-“А” уй манзилида жойлашган Марғилон маданият маркази биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Маданият ва туризм вазирлиги (О. Назарбеков): а) икки ой муддатда:

Марказ устави ва тузилмасини тасдиқласин ҳамда унинг самарали фаолият олиб боришини йўлга қўйсин, шунингдек, давлат маданият ташкилотлари штат бирликларининг сонини мақбуллаштириш ҳисобига Марказга 12 та штат бирлиги ажратилишини таъминласин;

ижодий жамоалар ва ёзувчи-драматурглар томонидан биргаликда яратилган ҳажвий асарларни саҳналаштириш учун давлат буюртмасини бериш ҳамда ушбу қарорнинг 6-бандида назарда тутилган маҳорат мактаблари фаолияти натижадорлигини баҳолаш тартибларини тасдиқласин;

б) Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Хожиматов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов) ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг

2-бандида назарда тутилган тадбирларни юқори савияда ўтказиб босин.

Бунда ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Маданият ва туризм вазирлигига ажратилган Давлат бюджети ҳамда тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тенг улushiда қопланади;

в) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов) билан биргаликда:

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи ҳамда Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактабида “аския ва қизиқчилик санъати” йўналиши очилишини ташкил қилсин, шунингдек, уларни ушбу йўналишлар бўйича юқори малакали педагог кадрлар билан тўлдирини таъминласин;

“аския ва қизиқчилик санъати” йўналиши бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин; г) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда аския ва қизиқчилик санъатига доир тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш ишлари алоҳида ишлаб чиқилган медиа-режа асосида мунтазам ташкил этилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият ва туризм вазири О.А.Назарбеков белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 11 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ХИВА – 2024 ЙИЛДА ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ» ХАЛҚАРО ТАДБИРИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

ҳалқаро тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда юзага келадиган ташкилий масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш;

Хива шаҳрида халқаро тадбир ўтказиладиган жойларнинг техник ва телекоммуникация усунчалари билан жиҳозланишини таъминласин;

Хоразм вилояти, шу жумладан, Хива шаҳрида ўтказиладиган қабул, маданий тадбирлар ва хорижий меҳмонларнинг саёҳатини ташкиллаштирсин;

ҳалқаро тадбирда қатнашувчиларнинг Ўзбекистонга келиб-кейтиши, уларга виза расмийлаштирилиши, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш масалаларини мувофиқлаштирсин;

ҳалқаро тадбир бўлиб ўтадиган ҳудудларни ободонлаштириш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласин;

ҳалқаро тадбир бўлиб ўтадиган ҳудудларда объектлар ва меҳмонхона фондининг тайёргарлигини таъминласин;

зарур ҳолларда, халқаро тадбирни юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ тезкор қарорлар қабул қилсин.

5. Маданият ва туризм вазирлиги: а) бир ой муддатда “Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти” халқаро тадбири логотипини ишлаб чиқсин;

б) икки ой муддатда: Фанлар академияси, Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Хоразм Маъмур академияси билан биргаликда халқаро тадбирга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонлар фойдаланиши учун Хива шаҳри ҳақида ўзбек, рус, инглиз, араб ва француз тилларида қўлланма ишлаб чиқиб, чоп этилишини;

Хоразм вилояти ҳокимлиги, Маданий мерос агентлиги билан биргаликда Хива шаҳрининг туризм ва маданий мерос объектлари, ислом дунёси ва илм-фаннинг ривожланишида тугган ўрни ва тарихи, маданияти, яшаш тарзини акс эттирувчи фото- ва видеоматериаллар (“Guidebook”) тайёрланишини таъминласин;

в) Ташқи ишлар вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда:

ҳалқаро тадбирга тайёргарлик кўриш ва унинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш мақсадида Ислам ҳамкорлик ташкилоти Бош котибияти билан ҳамкорликда ишчи ташкил этсин;

2023–2024 йилларда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида “Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти” шиори остида кенг тарғибот акциясини амалга ошириш чораларини кўрсин;

2023–2024 йилларда Ислам ҳамкорлик ташкилоти томонидан ташкил этиладиган халқаро тадбирлар ҳамда республикада ўтказиладиган туризм йўналишидаги кўргазма ва конференцияларда “Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти” шиори остида тарғибот ишларини амалга оширсин;

2023 йил октябрь ойида Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг туристик ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерларни жалб қилган ҳолда Хоразм вилояти бўйлаб инфотур ташкил қилсин.

6. Белгилансинки, ушбу қарорда назарда тутилган халқаро тадбир доирасида:

а) Маданият ва туризм вазирлиги томонидан Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қуйидаги харажатлар қопланади: халқаро тадбирнинг хорижий иштирокчиларини Тошкент шаҳридаги аэропорт ва вокзалда кўтиб олиш ҳамда кузатиш, уларнинг республика ҳудудида ҳаракатланиши учун автобус, авиа ва темир йўл чипталарини харид қилиш;

ҳалқаро тадбир доирасида хорижий (инглиз, араб, француз) тилларда синхрон таржимонлар иштирокчилиги таъминлаш; халқаро тадбирни хорижий оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш;

ҳалқаро тадбир учун тарғибот материаллари (видеороликлар, тарқатма материаллар, китоблар ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш ва чоп этиш;

Ислам ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби, Бош котибият ходимлари ва экспертлари, фахрий меҳмонларнинг маилкакта келиб-кейтиши;

ҳалқаро тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа тадбирларни ўтказиш;

б) Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қуйидаги харажатлар қопланади:

ҳалқаро тадбир ўтказиладиган ва диққатга сазовор жойларни ободонлаштириш ҳамда тадбир ўтказиш учун тайёр ҳолга келтириш;

хорижий иштирокчилар учун эсдалик совғалари (сувенирлар, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ва бошқалар)ни ажратиш; аэропорт ва темир йўл вокзалларида ҳамда марказий кўчалар бўйлаб ўрнатилган баннерлар ва LED мониторларда халқаро тадбирни кенг ёритиш;

иштирокчиларнинг тадбирлар дастури доирасида диққатга сазовор жойларга ташрифларини ташкиллаштириш;

хорижий иштирокчилар, уларга бириктирилган гид-таржимон ҳамда волонтер кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари учун тушлик ва кечки овқатни ташкиллаштириш ва Хоразм вилояти бўйлаб ҳаракатланиши учун транспорт воситалари билан таъминлаш;

хорижий иштирокчилар ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг Хоразм вилоятидаги меҳмонхоналарда яшashi билан боғлиқ харажатлар.

7. Хоразм вилояти ҳокимлиги хорижий иштирокчиларни аэропорт (вокзал)да кўтиб олиш ва кузатиш ҳамда халқаро тадбир дастури асосида уларнинг ҳаракатланиши учун транспорт воситаларини ажратсин.

8. Ташқи ишлар вазирлиги Маданият ва туризм вазирлигининг виза талабномаларига биноан халқаро тадбирда иштирок этадиган чет эллик иштирокчиларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси халқаро аэропортларида расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ички ишлар вазирлиги: Миллий гвардия билан биргаликда халқаро тадбир ўтказиладиган ҳудудларда иштирокчи ва меҳмонлар тўланидиган жойларда, меҳмонхоналарда ҳамда уларнинг атрофида жомат тартибини сақлаш;

тадбирларга ташриф буюрадиган делегация аъзолари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ ҳамроҳлик қилиш чораларини кўрсин.

10. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги халқаро тадбир ўтказиладиган объектлар ҳамда уларнинг атрофида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкиллаштирсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тадбирлар ўтказиладиган жойларда тез тиббий ёрдам бригадалари фаолияти ташкил этилишини таъминлаш, тадбирлар ўтказиладиган жойларда соғлиқни сақлаш ҳамда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига амал қилиниши бўйича зарур чоралар кўрсин.

12. Рақамли технологиялар вазирлиги Маданият ва туризм вазирлигининг мувожағига асосан халқаро тадбир ўтказиладиган конференция ва кўргазма заллари, матбуот хоналарини белгиланган тартибда зарур техника воситалари, синхрон таржима жиҳозлари ва интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминласин.

13. Маданият ва туризм вазирлигининг талабномасига асосан қуйидагиларга:

“Uzbekistan Airways” АЖга хорижий иштирокчилар учун халқаро ва маҳаллий рейсларга авиачипталарнинг банд қилинишини таъминлаш;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖга хорижий иштирокчилар учун катновдаги поездларнинг барча турларига темир йўл чипталари захирасини яратиш ва расмийлаштириш чораларини кўриш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият ва туризм вазири О.А.Назарбеков ҳамда Хоразм вилояти ҳокими Ж.Р.Рахимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 12 июль

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ЎЗ МАМЛАКАТИНИНГ КЕЛАЖАГИГА КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙДИ

Чжан ЦИНЬ, Хитойдаги «Shanghai Art Fair International Exhibition» компанияси президенти:

— Яқшанба кuni бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этдим. Кузатувчи сифатида сайлов ўтказилишига миллий сайлов қонунчилиги ҳамда халқаро демократия андозаларига мувофиқ равишда ҳар томонлама ва пухта тайёргарлик кўрилганини алоҳида урғулашни истар эдим.

У БИХУ, Пекин университети профессори:

десақ, сира муболага бўлмайди. Мамлакат Конституцияси 30 апрель кuni бўлиб ўтган референдумда янгиликларни ҳам таъкидлаш лозим. Президентликка сиёсий партиялардан илгари сурилган ҳар бир номзодга бир хил илмий юнгионат ва шароитлар яратиб берилди.

Сайлов очкиқлик, ошқоралик ва тенглик каби демократия меъёрлари асосида ўтганини ҳам таъкидлаш лозим. Президентликка сиёсий партиялардан илгари сурилган ҳар бир номзодга бир хил илмий юнгионат ва шароитлар яратиб берилди.

— Аввало, Ўзбекистон халқини Президент сайлов муваффақиятига ўтгани билан табриқлайман.

2023 йил Ўзбекистон учун муҳим жараёнлар йили сифатида тарихда қолди, Ўзбекистон ривожланиш ва

Сайлов участкаларида сайловчилар овоз бериш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланишлари учун барча шароит муҳайё эди. Овоз бериш жараёни сайлов қонунчилиги меъёрлари бузилмаган ҳолда ўтказилди.

Ўзбек халқи бу жараёнда катта фаолият кўрсатгани ҳолда эртанги кунга, ўз мамлакатининг тақдирига бефарқ эмаслигини намоён қилгани менда катта таассурот қолдирди.

сабатлари жадал ва ҳар томонлама ривожланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ўзбекистоннинг хитойлик инвесторлар учун сармоявий жозибадорлиги кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ҳамкорликда амалга оширилаётган ўзаро манфаатли лойиҳалар ҳажми ҳам ортиб бормоқда.

Ўзбекистон ўз олдида қўйган барча юксак мақсадларга эришишига тилақдошман.

«Дунё» АА. Пекин

САЙЛОВДА ХАЛҚИМИЗ ЎЗ ХОҲИШ-ИРОДАСINI НАМОЁН ЭТДИ

Шу ўринда халқаро кузатувчиларнинг мамлакатимиздаги муҳим сиёсий тадбирдаги иштирокига кенгроқ тўхталадиган бўлсақ, улар Сенатда ташкил қилинган учрашувлар, олиб борган мулоқотларимиз давомида сайлов жараёнига очик, шаффоф, тўлиқ демократик таъминлаш асосида ўтганини эътироф этди.

Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 13 майдаги қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи ўн тўртта сайлов округи тузилди.

Сайловлар жараёнида гендер тенгликни таъминлаш доимий эътиборда бўлгани боис округ комиссиялари аъзоларининг 110 нафари, яъни 41 фоизини аёллар ташкил этди. 38 фоиз аёллар округ комиссияларига раҳбарлик қилди.

Президент сайловига тайёргарлик жараёнида сайлов комиссиялари тизимининг энг қуйи бўғинида иш олиб борадиган мутахассисларнинг миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро сайлов стандартларидан яхши хабардор бўлишига алоҳида аҳамият берилди.

Бу борадаги масалаларни халқаро кузатувчилар ҳам юксак баҳолади. Сайловчилар фаол тарзда сайлов участкаларига келиб, ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиши кўпга кўра кузатувчиларнинг эътиборини торди. Хусусан, Австрия парламенти Миллий кенгаши депутати, “Австрия — Марказий Осиё” парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Эва Эрнст-Дзедзич Олий Мажлис Сенатида сенаторлар билан ўтказган учрашувида Президент сайлов муваффақиятига ўтганини қайд этиб, овоз бериш кuni у Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги сайлов участкаларидан бўлганини, сайловчиларнинг қўлгилини, уларнинг аксариятини хотин-қизлар ва ёшлар ташкил қилганини алоҳида эътироф этди.

Жорий сайловда ҳам “Бир сайловчи — бир овоз” талаби амалда бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Барча сайловчилар Марказий сайлов комиссияси базасига киритилиб, бир



сайловчи қайта овоз беришига йўл қўйилмади. Бониси сайловчилар республиканинг қайси бир сайлов участкасига овоз бериш учун борса ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида унинг аввал овоз берган ёки бермаганига аниқлик киритилди. Натижада эса “Бир сайловчи — бир овоз” талаби амалда таъминланди.

Видеокўзатув камералари ўрнатилган сайлов участкалари биноларида сайловчиларнинг яширин овоз бериш принципларига қатъий риоя қилинди.

Президент сайловига ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларидан тенг ва тўққинликсиз фойдаланишини таъминлаш мақсадида, сайлов участкалари биноларини ва овоз

бериш хоналарини танлаш ва жиҳозлашда Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида белгиланган барча шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Фуқароларимиз ҳам, ўз навбатида, миллат ва мамлакат келажак, ўз тақдирига бефарқ бўлмаган ҳолда муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда ўз хоҳиш-иродасини яна бир бор эмин-эркин намоён этиб, истиқболдаги миллий тараққиётимиз йўналишларини белгилаб олишдек муҳим жараёнларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди, ўзлари муносиб деб билган халқпарвар номзодга овоз берди. Натижада Шавкат Миромонович Мирзиёев 87,5 фоиз овоз олиб, сайловда галаба қозонди.

Бу ўринда хорижий мамлакатлар раҳбарлари Шавкат Мирзиёевни сайловда галаба қозонгани билан табриқлаб, кўнгиноқ қилди, айримлари табриқ йўлади. Уларнинг аксариятида Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги ривожини ва туб ислохотлар тилга олинган, ушбу ҳолат республика халқининг чинакам ютуғи эканлиги алоҳида таъкидланган.

Кутбиддин БУРХОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудоффа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзиси.

МУҲИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва ислохотлар изчиллигини таъминлашга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Депутатлар дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Давлат бюджетининг ҳаражатлари самардорлигига эришиш, бюджет тўғрисидаги қонунчилик бузилишларининг профилактикасини кучайтириш, масофавий молиявий назоратни кенгайтириш, замонавий ахборот технологиялари ҳамда маълумотлар базалари воситасида текшириш объекти ва мақсадларини аниқлаш йўли билан ҳам самарали молиявий тафтишларни қўқариштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизматлари томонидан ўтказиладиган масофавий аудит тадбирларининг қўлама ва сифатини ошириш, ички аудит хизматларининг хавфларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш имкониятларини ва самардорлигини кенгайтириш тадбирлари кўрилмади.

Бундан ташқари, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам Давлат бюджети ҳаражатлари самардорлигини янада яхшилаш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш белгиланган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтлари ҳамда “Очик бюджет” ахборот порталига joyлаштириш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, молиявий назоратни такомиллаштиришга, бюджет жараёнининг очиклигини таъминлашга ҳуқуқий асос бўлади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланади

Қонун тартибидоги навбатдаги масала — “Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартибининг айрим ҳолидаги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда солиқ юкни камайтириш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига солиқ имтиёзла-

рини бериш, солиқ тўловчиларга энгилликлар яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини соддалаштиришга оид нормаларнинг қонунларда акс этгани тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига кенг йўл очиб берди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, кодекснинг 461 ва 462-моддаларига ўзгаришлар киритиш орқали тадбиркорлик субъектларининг бўш турган бинолари, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, шунингдек, қурилиш тугалланмаган объектларига нисбатан солиқ ставкасини ошириш тарзидаги таъсир чоралари қўлланилмаслиги муносабати билан ушбу тоифадаги солиқ тўловчиларни мажбурий тарзда қўйилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўқатиш амалиёти бекор қилинмоқда.

Шунингдек, 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда эса электротехника тармоқ корхоналарининг ихтисослаштирилган марказларининг объектлари ва улар эгалаган ер участкалари бўйича мол-мулк ва ер солиқларини ҳисобланган суммадан 1 фоиз, ижтимоий солиқни ҳам 1 фоизли ставка бўйича тўлаши назарда тутилган. Бунда мазкур имтиёз электротехника тармоқ корхоналарининг ихтисослаштирилган марказларида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга оширишдан олинган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича ҳам даромаднинг камида 60 фоизини ташкил қилганда татбиқ этилади.

Қонун лойиҳаси билан 2024 йил 1 январга чўлган даврда жисмоний шахслар ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлардан курсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда белгиланган ер солиғи ставкаларини у қаррали ставкада солиқ ҳисоблаб тартиби тўхтатиб турилиши тақдир этилмоқда.

Муҳокама қилинган қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар ўртага ташланди. Лойиҳадаги айрим нормалар бўйича асосли тақлифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинган, савол-жавоблардан сўнг иккинчи ўқишда қабул қилинди.



Қайта тикланувчи энергия манбаларини қурилмаларни ўрнатганларга имтиёзлар берилади

Мажлисида “Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни жадаллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан умумий қуввати 100 кВт.гача бўлган қайта тикланадиган энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланган ҳолда умумий тармоққа сотилган электр энергиясидан олинган даромадларни фойда солиғидан озод этиш тақдир қилинмоқда.

Шу билан бирга, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахсларни мол-мулк солиғидан, қурилмалар билан банд бўлган ерлар бўйича ер солиғидан озод этиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ердан оқилонга фойдаланиш, қўп қаватли ишлаб чиқариш биноларини қуриш ҳамда ҳудудларнинг саноат салоҳиятини кенгайтириш мақсадида қўп қаватли ишлаб чиқариш биноларини фойдаланишга топширган тадбиркорларга мол-мулк солиғини пасайтирилган коэффицентларда тўлашга доир имтиёзлар белгиланган.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш, энергия самардорлигини ошириш орқали ҳудудларда энергия тақчиллигини бартараф этиш имконини беради. Айни чоғда бу борадаги ишларни комплекс уюштириш ҳамда ин-

весторлар учун қулай шароитлар ва рағбатлантириш механизмларини белгилаш имконини яратди.

Мажлисида қонун депутатлар томонидан қабул қилинди.

Таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар давлат божи тўлашдан озод қилинади

Мажлисида депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслардан давлат божини ундириш ҳамда уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, эстрада ижрочиларининг профессионал маҳоратини ошириш ҳамда иқтисодий ёш хонандларни қашф этиш учун барча шароит яратилди. Хусусан, эстрада ижрочиларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бадий жиҳатдан юксак мусика асарларини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, концерт-томоша фаолияти учун амалдаги солиқ ва давлат божлари тўловларини соддалаштириш, самарали меҳнат қилган, нафақага чиққан, ногиронлиги бўлган санъаткор ва талаба-ёшларнинг ижодий фаолиятини манзилли қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарурати мавжуд.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи тўловчи давлат божи тўловлари 6 та рейтинг гуруҳлари асосида амалга оширилади. Қолаверса, концерт-томоша фаолияти учун лицензия олиш билан бир-

галикда, ҳар ойда ижтимоий солиқлар тўлаб борилади. Бу эса республикамизнинг чекка ҳудудларида ижод қилиб келаётган санъаткорларга, айниқса, кекса, нафақа ёшидаги санъаткорлар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда талаба-ёшларнинг концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиши учун қийинчиликларни юзга келтирмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасида концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслардан давлат божини ундириш ҳамда уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда.

Хусусан, концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи III рейтинг гуруҳига эга жисмоний шахслар 2024 йил 1 январга қадар қатъий белгиланган миқдордаги солиқ тўлашдан озод этилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, ногиронлиги бўлган ва ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар — ўқиш муддати давомида концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун давлат божи тўлашдан озод қилиниши белгиланмоқда.

Тақдир этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи ижрочиларнинг рейтинг гуруҳлари сонини қисқартириш, лицензия учун давлат божи ставкаларини пасайтириш, шунингдек, маданият ва санъат соҳаси вақилларига энгиллик яратиш, мамлакатимизда миллий маданиятни янада ривожлантириш, халқ оғзаки ижодиётини янада оммалаштиришга йўл очди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Туманларда тадбиркорлик субъектларига солиқ солишининг табақалаштирилган тартиби жорий этилади

Депутатлар “Ҳудудларни ва айрим соҳаларни ривожлантириш ҳамда инфолиқ солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳам қизгин муҳокама қилди.

Сўнгги олти йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда янги Ўзбекистоннинг барпо этилишига зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди. Айниқса,

иқтисодий соҳада катта ўзгаришлар, янгиликлар рўй берди. Солиқ юкни изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар туфайли ҳудудларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланишига эришилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудлари ривожланишига тафовутлар сақлаб қолаётганлиги туман ва шаҳарларнинг шароити, салоҳияти ва имкониятлари бир-биридан фарқ қилиши натижасида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва бандлигини таъминлашда айрим муаммолар юзга келмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳудудларнинг тадбиркорлик салоҳиятини оширишда қўшимча чоралар кўриши талаб этади.

Ўқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, туман ва шаҳарларда уларнинг тоифасидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ имтиёзлари ва бошқа қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш тартибининг жорий этишни тақозо қилаётди.

Тақдир этилаётган қонун лойиҳаси билан республика ҳудудларининг туртинчи тоифасига (40 та туман) киритилган туманларда фаолият юритадиган тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни 3 фоиз ставкада, мол-мулк солиғи белгиланган энг кам қийматига ва ер солиғининг базавий ставкаларига 0,3 миқдорда, яқна тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқни 0,5 миқдорда камайтириш коэффицентларни қўллаган ҳолда тўлаш тартибининг жорий қилиш тақдир этилмоқда.

Республика ҳудудларининг бешинчи тоифасига (20 та туман) киритилган туманларда фаолият юритадиган тадбиркорлар фойда, айланмадан олинадиган ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдорда, мол-мулк ва ер солиғини ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорда тўлайди, шунингдек, яқна тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча имтиёзлар белгиланган ҳолда тўлаш тартибининг жорий қилиш тақдир этилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда “ашиш” иқтисодиётига ўттиши жадаллаштириш, электромобиллардан фойдаланишни оммалаштириш учун солиқ қонунчилигига электромобилларни қувватлантириш станцияларини ташкил қилган тадбиркорлик субъектларини фаолиятини рағбатлантириш нормалар киритилган.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши туфайли республика туман ва шаҳарларини уларнинг тоифаларидан келиб чиқиб ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва электромобиллардан фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтиришга ҳуқуқий асос яратди.

Муҳокама қилинган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИНВЕСТИЦИЯ – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ МАНБАИ

Интилиш

КОРХОНАДА 60 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗ ДОИМИЙ ИШ ЎРНИГА ЭГА БЎЛДИ

Наманган вилояти иқтисодиётда энгил саноат, хусусан, текстиль корхоналари улуши муттасил ортиб бормоқда. Албатта, бу ишлаб чиқаришнинг айни йўналишида тўлганган бой тажриба, етарли хомашў базаси, тадбиркорлик субъектлари бизнес лойиҳаларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ва замонавий инфратузилма билан таъминланётгани натижасидир.



Давлатбод туманидаги “Ёшлар” кичик саноат зонасида яқинда иш бошлаган “Fozilbek textile group — 2016” масъулияти чекланган жамияти сўзимизга яққол мисол бўла олади. Лойиҳага кўра, бу ерда йилга 240 минг донадан зиёд кийим-кечаклар тайёрланади.

— Хорижий технология ускуналар ёрдамида тиклаётган эркеклар кийим-кечаклари ҳамда нимчалар халқаро бозор талабларига тўла жавоб беради, — дейди МЧЖ раҳбари Фахриддин Миралиев. — Шундан келиб чиқиб, маҳсулотларининг тўлалигига экспортга чиқаришни режалаштирганмиш. Россиялик ҳамкорлар билан тузилган шартномага мувофиқ, бугун-эрта дастлабки кийим-кечаклар туркуминини ташқи бозорга чиқариш кўзда тутилган.

Корхонада йилга қарий 2 миллион долларлик маҳсулотларни экспорт қилиш кўзда тутилган. Истикболли лойиҳа доирасида 60 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Акс садо

Мақсадлар муштарак

Йиғилишнинг дастлабки қисмида Президентимизнинг сайлов якунлари бўйича билдирган фикрларидан ушбу муҳим сиёсий жараён Ўзбекистон халқининг улуғ мақсадлар йўлида бирлашганлигининг ёрқин ифодаси бўлганини англаб олишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, сиёсий қарашлари, миллиати, тили ва динидан қатъи назар, Президентимиз олға сурган “Инсон қадрини улуғлаш” гоёси атрафида 130 дан ортиқ милаҳт ва элат вақилларидан иборат халқимиз яқдиллик билан бирлашганлигини сайлов натижалари яққол кўрсатиб турибди.

Ушбу гоёни рўёбга чиқариш мустаҳкам ҳуқуқий асосни талаб этар эди. Бунинг учун янгиланган халқ Конституцияси қабул қилинди. Ушбу Асосий Қонунга мувофиқ халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, хоҳиш-иродаси ва ҳуқуқий маданиятини яққол намойиш қилган ҳолда ўз лидерини танлаб олди. Эндики навбат — кенг қўламли ислохотларни қўллаб-қувватлаётган барча ватандошларимизнинг юксак ишончини оқшадан иборат.

Бўлиб ўтган йиғилишда айнан Президентимиз халқ билдирган ишонч мўқдас эканлиги, унга юксак масъулият, ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишимиз кераклигини, ишончини оқшашда ҳар бир кун ганиматлиги, бошланган ислохотлар билан бир сония ҳам тўхтаб қолмаслиги зарурлигини батафсил тушунириб берди.

Давлатимиз раҳбари айни чоғда дунёда сиёсий ва иқтисодий жараёнлар шиддат билан ўзгараётганлиги, катта геосиёсий зиддиятлар нима билан яқун топшиши даргумон бўлиб турган бир пайтда Ўзбекистон ўз олдида қўйган улкан мақсадларга эришиши учун катта кичик, барчамиз аввалгидан беш қарра, ўн қарра кўпроқ ғайрат ва шижоат билан ишлашимиз талаб этилишини уқтириб ўтди.

Ишлар ҳолати улкан марраларга мос эмас

Дунё иқтисодиётида кечаётган сиёсий жараёнлар ҳамда шафқатсиз рақобат ша-

роитида савдо ва инвестиция оқимлари йўналишлари тез ўзгариб бормоқда. Мана шундай таҳликали, ички ва ташқи таҳдидларга тўла вазиятда халқимиз муносиб ҳаёт кечирishi учун имконият яратиш, меҳнат бозорига кириб келаётган юз минглаб ёшларимиз учун юқори даромадли иш ўринларини ташкил этиш, рақобатбардос маҳсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, энг аввало, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратишини талаб этади. Буларни эса инновацияларни, янги технологияларни жорий қилмасдан, замонавий билимга эга бўлмаган ҳамда малакали мутахассисларсиз амалга ошириб бўлмайди.

Тасаввур қилинг, оилада товук боқиш учун “ҳам дон, ҳам сув керак”дан ташқари етарли шароитни яратиш, замонавий паррандачилик сирларини билиш талаб этилади. Шундай экан, нафақат мамлакат, балки дунё бозорларига чиқиш имкониятига эга бўлган рақобатбардос ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун ёнингиздаги маблағи ёки банкдан олган кредит билан узоққа бориб бўлмайди. Замонавий бозор талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, глобал рақобатнинг пасту баландини биладиган ҳамкор топмадан рақобатбардос маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жуда мушкул. Бу тўсиқларни чет элдан инвестор жалб қилиш орқали ениги ўтиш мумкин.

Инвестицияларнинг шундай аҳамиятига қарамастан, илгари (бундан 6-7 йил аввал) четдан инвестиция жалб қилиш ў ёқда турсин, ички инвестиция манбаларини топиш ва уни иқтисодиётга жалб қилиш ҳокимликларнинг, ҳатто, кўпчилик вазирлик ва идораларнинг кундалик вазифаси сифатида қаралмас эди. Ойда-йилда бу борада номгагина ҳисобот бериб қўйилар, у ҳам бўлса қозғода қолиб кетарди.

Селектор йиғилишида Президентимиз тармоқ ва ҳудудларга йил якунига қадар сармояларни фаол жалб қилиш бўйича ҳар бир вазирлик, тармоқ ва ҳудуд раҳбари, шунингдек, элчилар олдида аниқ вазифалар қўйди.

Янги тизим жорий этилади

Жорий йилда жами 20,2 млрд. доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши белгиланган. Шундан 16,3 млрд. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳамда 3,9 млрд. АҚШ доллари эса халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматларнинг молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Шу боис давлат раҳбари инвестициялар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилишини белгилаб берди. Ушбу тизим доирасида лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан фавқулодда чоралар кўрган ҳолда давлат инвестиция дастури доирасида 11,5 миллиард долларлик 272 та йирик лойиҳани муддатидан олдин фойдаланишга топшириш бўйича лойиҳа-бай иш ташкиллади. Бунда ҳар бир лойиҳага бириктирилган вазир, вазир ўринбосарлари, банк раҳбарлари масъул ва жавобгар бўлади.

Янги тизим талабларига мувофиқ ҳудудларда 9 млрд. долларлик 8 мингта лойиҳани ишга тушириш белгиланган бўлиб, лойиҳалар йирик, ўрта ва кичик тоифаларга ажратилиб, улар билан манзилли иш олий борилади. Йил якуни билан инвестициялар ўзлаштирилиши ва лойиҳани ишга тушириш муддатларига қараб масъул раҳбарлар фаолиятига баҳо берилади.

Тақдир қилинган тизимда, шунингдек, халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларни жадаллаштириш, тармоқлар ва ҳудудлардаги 89 та йирик лойиҳани муддатидан олдин ишга тушириш учун инфратузилма масаласини ҳал қилиш, Ҳукумат комиссияси томонидан шакллантирилган 92 та йирик саноат лойиҳасини амалга оширишда ер ва кредит ажратиш масалалари қамраб олинган.

Ушбу тизим доирасида яна бир муҳим янгилик, хорижий кредит линиялари доирасида жалб қилинган қарий 3 млрд. доллар бўш маблағларни ўзлаштириш билан боғлиқ. Ҳозирги кунда хорижий валютладаги кредит фойзалари юқорилиги сабабли (12-13 фоиз) тадбиркорлар ушбу ресурслардан фойдалана олмаётганлигини ҳисобга олиб, Президентимиз Экспорт жамғармасига қўшимча 200 млн. доллар маблағ ажратиш ҳисобига кредит фойзаларининг 5 фоизгача қисминини қоплаб беришни тақдир қилди. Шунингдек, ушбу маблағлар доирасида тадбиркорларга “тайёр бизнес”

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Президентимиз олға сурган “Инсон қадрини улуғлаш” гоёсини амалга ошириш нафақат иқтисодий, айни чоғда, ижтимоий ҳамда сиёсий барқарорлиқни таъминлашни тақозо этади. Бунда инвестициялар жамиятини барқарор ривожлантиришнинг бош манбаларидан бири бўлади, десак, айни ҳақиқатдир.

Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси.

САЙЛОВ ЯНГИ МАРРАЛАР, ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРГА ЙЎЛ ОЧДИ

Жорий йил 9 июль кuni мuddатидан илгари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тарихий аҳамиятга эгалиги билан халқимиз ва халқаро ҳамжамият эътиборини қозонди. Бундай дейишимизга етарлича асослар бор.

Нуктаи назар

Авалло, Президент сайлови принципиал жиҳатдан янги Конституция қабул қилинганидан кейин янги сиёсий муҳитда ўтказилди.

Иккинчидан, сайловда халқимизнинг фаол иштироки кузатилади. Бу — фуқаролар ва ҳукумат ўртасида ишонч шаклланишининг ҳал қилувчи омилли саналари.

Учинчидан, мuddатидан илгари ўтказилганига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда, аввалги сайловлар каби қатор халқаро ташкилотлар ва чет давлатлардан кузатувчилар, шунингдек, тўлақонли миссиялар тарихий иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, мазкур сиёсий тадбирни 15 та халқаро ташкилот, 47 та хорижий давлатдан ташриф буюрган жами 800 нафарга яқин халқаро кузатувчилар бевосита кузатиб борди. Президентликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан эса 53 минг нафардан зиёд маҳаллий кузатувчилар сайлов жараёнини кузатиб турди. Сайловни жами 1 минг 400 нафар маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ёритиб борди.

Тўртинчидан, бу йилги сайловда қамқоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамқоқда олинган, унча оғир ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, шунингдек, илк бор янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун жазо мuddатини ўтаётган маҳкумлар ҳам қатнашди. Хусусан, қамқоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 34 минг 338 нафар шахсга овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Бешинчидан, Президент сайлови, халқаро кузатувчилар эътирофича, демократик руҳда, қонунийлик, шафқатлик, очиқлик билан тўлиқ равишда амалга оширилди.

Олтинчидан, энг муҳими, халқимиз ўзи муносиб, деб бил-

ган номзодга овоз берди. Бу сиёсий жараённинг натижалари ҳақида кетар экан, ўтган йилларда биз эришган миллий тараққиёт йўлимизни яна бир бор таҳлил қилиш имконини берди.

Дарҳақиқат, Президент сайлови ва унинг натижаларига сўнги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган, янгиликлар ички ва ташқи сиёсатга баҳо берадиган референдум сифатида қараш мумкин. Ислохотлар осон кечаётгани йўқ ва осон бўлмағлиги табиий ҳам эди. Ўз навбатида, жамияти-

Бу, авваломбор, сайлов аҳолининг сиёсий фаоллиги ҳамда ҳаётимизда юз бераётган янгиликларга дахлдорлик ҳисси сезиларли даражада ошиб бораётган шароитда ўтгани билан изоҳланади. Сўнги йиллардаги туб ислохотлар туфайли уйғонган мамлакатимиз жамоатчилиги, фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари бутун сайлов жараёнини диққат билан кузатиб борди. Унинг ҳар бир босқичига баҳо берди. Шу боис сайлов янада очиқлик, ошқоралик ва шафқатлик руҳида, оммавий ахборот воситалари фаоллиги тубдан юксалган шароитда бўлиб ўтди.

Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва блогерлар сайлов кампаниясининг энг фаол иштирокчилари бўлиши кўп жиҳатдан сиёсий жараённинг мазмун-моҳияти ва хусусиятини белгилаб берди. Сайлов кампанияси юқори даражада ўтгани, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда пешқадамлиги ва етакчи

ятга эга ҳодиса. Шунингдек, керакки, Президент сайловида халқимиз, биринчи навбатда, ўтган йилларнинг катта ислохотларига муносиб баҳо берди. Фуқароларимиз 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топган, мамлакатда дунёвий-демократик қонун устуворлиги ва бозор иқтисодиётига таянган жамиятнинг ривожлантиришга ўз мўйилигини билдиргани, албатта, катта ғалабадир.

Шу билан бирга, янги Ўзбекистон, жамият, сиёсий тузум учун ўзига яраша синов, имтиҳон бўлди. Хорижий ҳамкорлар ва кузатувчилар фикрига таянган ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон бу имтиҳондан муносиб ўта билди. Барча кузатувчилар, баъзилари айрим камчиликларни кўрсатган бўлишига қарамастан, яқдиллик билан Ўзбекистондаги юқори сиёсий фаолликни қайд этди. Бу қандайдир сунъий эмас, балки табиий, одамларнинг юрагидан,



Шунингдек, халқимиз сўнги йиллардаги илохотлар туфайли уйғонганидан дарақдир. Бу жиҳатлар нафақат аҳоли, балки сиёсий партияларнинг фаоллашганида ҳам кўзга ташланади.

Президент сайловида иккинчи мартаба сиёсий партиялар номзодларининг ишончли вакиллари ўртасида дебатлар бўлиб ўтди. Демак, Ўзбекистонда сайловлар мазмун-моҳиятан янада демократлашиб бормоқда, жамият уйғонмоқда. Яъни сиёсий ҳаёт, маданият пайдо бўлди. Халқимиз турли партия вакилларининг қиёфасини, фаолиятини била бошлади.

Одамларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишида, ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситаларининг ўрни низоҳятда катта. Улар муаммоларни очиб айтмоқда. ОАВ вакиллари Президент сайлови кампаниясини ҳам фаол ёритиб борди. Айрим ҳолларда танқидий фикрлар ҳам билдирилди. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда қонунийлик, шафқатлик таъминланди, сиёсий жараён эркин ва очиқлик муҳитида ўтди.

Сайловнинг энг асосий натижалари сифатида шунини айтиш керакки, Ўзбекистон халқи ўз хоҳиш-иродасини билдириб, бошланган илохотларни янада чуқурлаштиришга бел боғлагани, олиб борилаётган ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлагани халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Нима учун? Чунки илохотлар натижасида янги Ўзбекистон пайдо бўлди. Бугун нафақат минтақада, минтақадан узоқ жойлардаги муаммоларни ҳал этишда ҳам Ўзбекистоннинг овози баралла янграмоқда.

Савол туғилиши мумкин: халқаро кузатувчиларнинг Ўзбекистондаги сайлов ҳақидаги асосий ҳулосалари нимадан иборат бўлди? Аввало, шунини таъкидлаш керакки, биз учун энг муҳими, сайловда Ўзбекистон фуқаролари томонидан берилган баҳо. Чунки сайловлар ўз мазмун-моҳияти билан халқ ва ҳокимият ўртасида ишонч ўрнатишга, жамиятнинг жиқлаштиришга қаратилган энг асосий омилдир. Кўп давлатларда куза-

Сайловнинг энг асосий натижалари сифатида шунини айтиш керакки, Ўзбекистон халқи ўз хоҳиш-иродасини билдириб, бошланган илохотларни янада чуқурлаштиришга бел боғлагани, олиб борилаётган ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлагани халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Нима учун? Чунки илохотлар натижасида янги Ўзбекистон пайдо бўлди. Бугун нафақат минтақада, минтақадан узоқ жойлардаги муаммоларни ҳал этишда ҳам Ўзбекистоннинг овози баралла янграмоқда.

миз ва иқтисодиётимизни замонавийлаштиришдан ўзга йўл йўқлигини ҳам бугун ҳаммамиз яқин биламиз. Бу давлатимизнинг рақобатбардошлиги, қозон-верса, Ватанимизнинг ҳаёт-мамат масаласидир. Шу боис Президентини таъбири билан айтганда, Ўзбекистондаги илохотлар ортага қайтмас тус олди.

Таъкидлаш жоизки, Президент сайлови натижаси мамлакатдаги илохотларни нафақат давом эттириш, шунингдек, барча йўналиш ва соҳалар кесимида янада фаоллаштиришга сиёсий замин яратди. Бу жараёнда юртдошларимиз ўз хоҳиш-иродасини намояндалар билан келгуси тараққиётимиз учун биргаликда, ҳам-жиҳатликда ҳаракат қилишга тайёрлиги ҳам кейинги йилларда эришган ютуқларимиз омилдир.

Жорий Президент сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тизими учун жиддий синов бўлди. давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқаларидаги мавқеини мустаҳкамлашда, инвестиция жозибадорлиги ошишига хизмат қилади.

2021 йилги сайловда бўлгани каби мuddатидан илгари ўтказилган сайловда ҳам номзодлар ўртасида ҳақиқий сиёсий рақобат бўлди. Улар орасида янги қиёфалар, сиёсатчиларнинг янги авлоди, жумладан, аёл номзоднинг ҳам бўлиши шу мақсадга хизмат қилди.

Президент сайловида фуқароларимизнинг мутлақ аксарияти 2016 йилда давлатимиз раҳбари бошлаган илохотларни изчиллик билан давом эттириш ва уларни чуқурлаштиришга қаратилган ўз иродасини қатъият билан билдирди.

Дарҳақиқат, бу, ҳеч муболағасиз, халқимиз, миллиятимиз, Ватанимиз тақдир, жамиятимиз тараққиёти учун тарихий аҳами-

онгу шууридан келиб чиққан сиёсий фаолликнинг намояндалар бўлган белгисидир. Бу низоҳятда катта ютуқ.

Шунингдек, салкам 80 фоиз юртдошимизнинг сайловда иштирок этгани Ўзбекистонда янги фуқаролик жамияти ва сиёсий фаол муҳит пайдо бўлганини англатади. Яъни овоз бериш учун ҳеч бир давлатда узун навбатлар пайдо бўлганини кўрмагандик, Ўзбекистонда эса аҳоли ўз фуқаролик бурчини бажаришга ошқабатганини телеэкранлар тасвирларида кўриш мумкин бўлди. Хорижий давлатларда, хусусан, Москва шаҳридаги, Жидда шаҳридаги сайлов участкаларида навбатда турган ўзбекистонликлар ўз ҳуқуқидан фаол фойдаланаётганини кузатдик. Бу нима дегани? Авваломбор, халқимизда илохотларга дахлдорлик, жамият, келажак учун масъулият ҳисси шаклланишини англатади.

тилган парокандалик ва инқирозлар айнан ноҳалол, гирромлик билан ўтган сайловларга боғлиқ бўлган. Сиёсий партиялар ва ОАВ томонидан сайловлар синчиқлаб кузатиб борилиши бежиз эмас, бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, халқаро ҳамжамият фикри ҳам эътиборли. Бу, биринчи навбатда, Ўзбекистон рейтингини, мамлакатимизнинг дунёдаги имижини — янги қиёфасини учун зарур. Биз бунини тўғри тушунишимиз керак, эмин-эркин, ҳалол, халқаро стандартларга мос ўтказилган сайловлар натижасида Ўзбекистон рейтингини янада ортади. Бу эса келажакдаги сармоялар, молиявий институтлар томонидан ажратилаётган маблағлар шартларини ҳам биз учун мақбул тарафга ўзгартиришга олиб келади. Яъни сайловлар нафақат сиёсий, шу билан бирга, иқтисодий омили ҳамдир. Бунинг натижасида халқимиз ҳаётга таъсир кўрсатадиган ижобий ўзгаришлар бўлиши, шубҳасиз.

Сайловга келадиган кузатувчиларнинг сифат даражасини ҳам инобатга олиш керак. Улар орасида энг етакчи демократик давлатлар парламент аъзолари, йилри халқаро ташкилотлар делегациялари бор. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташколотини Парламент Ассамблеяси, ЕХТ/ДИИХБ, ШХТ, МДХ ва МДХ Парламентлараро Ассамблеяси, ИХТ, Туркий давлатлар ташколотини, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси ва бошқа нуфузли ташкилот вакиллари Ўзбекистонда бўлди ва ўз сўзини айтди.

Уларнинг фикрича, Ўзбекистондаги Президент сайлови мамлакатда олиб борилган илохотларнинг узвий қисми. Ўйлашимизки, мuddатидан илгари Президент сайлови Ўзбекистоннинг нуфузини янада оширишга замин яратди. Бу келажакда қилинажак ишларимиз асоси ҳисобланади. Энди халқ иродасига, халқ билдирган хоҳиш ва орзу-умидга таянган ҳолда барчамиз — ҳам ҳокимият, ҳам парламент, ҳам фуқаролик жамияти, ҳам оммавий ахборот воситалари — ҳар бир фуқаро шунга қараб ҳаракат қилишимиз керак. Бу сайлов Ўзбекистонга янги ўққларни, янги истиқболларни очди. Шубҳа йўқки, барчамиз ўзимиз сайлаган Президентимиз атрофда бирлашиб, Ўзбекистоннинг буюк келажagini учун хизмат қиламиз.

Нормурод МАМАТОВ,
Фан ва технологиялар университети проректори, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Ободлик Чекка ҳудудларда ҳам йўллар раво бўлмоқда

Самарқанд вилоятида энг чекка қишлоқ ҳудудларида ҳам янги йўллар қуриш ва таъмирлаш борасида жадал ишлар олиб борилаётган. Мисол учун, шу кунларда Булунгур туманида аҳолининг муҳожаатлари асосида бир неча йиллардан буй таъмирлаб бўлиб ётган 23,5 километр йўлга асфальт қопламаси ётқизиш ишлари олиб бориляпти. Бу ишларга 13 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Гап шундаки, ўтган асрнинг 80-йилларида асфальтланган ва бугунги кунда ўйди-чуқур бўлиб қолган йўлларда юриш аҳоли учун қийинчиликлар туғдираётган эди. Эндиликда булунгурликлар бундай муаммага дуч келишмайди. Тоис янги-дан асфальт қилинган текис ва раво йўллар фойдаланишга топшириляпти.

Шу кунларда тумандаги Амир Темур, Истиклол, Янгиқўрғон ва Булунгур маҳаллалари ҳудудида иш қизгин, — дейди Булунгур тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бўлим бошлиғи Санжар Хўжаёров. — Халқимизга қулайлик яратиш мақсадида йўллар раволаштирилмоқда.



Қўшработ туманининг узоқ Қовунчи ва Янгиобод маҳаллаларидаги нотекис бўлган қариб 1,5 километр ички йўлларга ҳам бугун асфальт қопламаси ётқизилмоқда.

— Ёшим салкам 90 га боряпти. Бизнинг чекка қишлоқларда ҳам шундай яхши ўзгаришлар бўлаётганидан хурсандман, — дейди Эргаш боки Муҳиддинов. — Асфальт тоғолди ички йўлларга ҳам кириб борди. Бу йўллар Нурота, Жўш ва Қўшработни боғлади. Бундан туман аҳли жуда мамнун.

Бундан ташқари, вилоятнинг Нуробод туманидаги Иттифок, Чорвадор, Олга, Ўртабўз маҳаллалари ҳудудидан ўтувчи таъмирталаб Нуробод — Ўртабўз — Мехр — Олга ва Тошқудук — Олга — Ҳазармали автомобиль йўлларининг 34 километр қисмини асфальтлаш ишлари тўлиқ бажарилди. Натижада Чорвадор маҳалласидан Нуробод марказигача бўлган маҳаллаларда истиқомат қилаётган 20 мингга яқин аҳолининг оғири енгил, узоғи яқин бўлди. Бугун уларнинг қувончи чексиз.

Айни кунларда вилоят бўйлаб бу борадаги эзгу ташаббуслар ижид давом эттирилмоқда.

Абдулдуз ИҶЛОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Кўкон шаҳрида «Туркий тилли ёшлар» халқаро фестивали бўлиб ўтмоқда.

Унда мамлакатимизнинг барча ҳудуди, шунингдек, Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙга аъзо давлатлардан келган 200 нафардан зиёд фаол ёшлар ва талабалар қатнашмоқда.

Боқий қадриятлар

Тадбирнинг очилишида туркий давлатлар ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда ёшларнинг фаоллиги, ҳамжиҳатлиги муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз-

нинг 2022 йил 29 июлдаги «Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қароридан ушбу фестивални Фарғона вилоятида ўтказиш белгиланган бўлиб, унга биноан анжу-

ман кўнгилочар уйинлар ва ёшларнинг ўзаро жонли мулоқотлари асосида давром этмоқда.

— Фестиваль давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қароридан белгиланган кенг қамровли маданий-маърифий тадбирлар дастури доирасида уюштирилмоқда, — дейди Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Хуршид Аҳмедов. — Ундан қўзланган асосий мақсад — келажакимиз эгаларининг халқларимиз тарихи ва мил-

лий-маданий меросига меҳрини ошириш, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар билан туризм соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, ёшларнинг соҳадаги истиқболли гоғларини ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Шу йилнинг 15 июль кунига қадар давром этадиган фестивал давомида китобхонлик кўни, миллий ва этносспорт турлари бўйича спорт мусобақалари, маданий-кўнгилочар тадбирлар, тадбиркорлик-

ни йўлга қўйиш, хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлашга бағишланган давра суҳбатлари, таниқли театр ва кино ижодкорларининг ижодий мулоқотлари ўтказилиши режалаштирилган.

Фестиваль кунлари давомида «Дўстлик» кечаси бўлиб ўтади. Кўкон шаҳрида тарихий-маданий обидалар бўйлаб саёҳат ҳамда миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси уюштирилади. Шунингдек, Риштондаги Халқаро кулчилик маркази ҳамда Учқўприк туманидаги «Мехригё» кичик корхонаси лаванда боғларида саёҳат ташкил этилади.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ

ТОШКЕНТ «ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИ»

ХАРБИЙ-АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

профессор ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади.

- Ўқитувчи (тарих — рус тилида ўқитиладиган гуруҳларда) — 1 ўрин;
- Ўқитувчи (биология — ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган гуруҳларда) — 1 ўрин.

«Темурбеклар мактаби»нинг ўқитувчи лавозимига ўтказиладиган танловда олий маълумотли ва камида 5 йил узлуксиз педагогик стажга эга бўлган шахслар иштирок этади. Илмий унвон ва илмий даражаси бор номзодларга устуворлик берилади.

Танловда қатнашиш учун номзодлар томонидан куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- «Темурбеклар мактаби» директори номига ариза;
- паспорт нусхаси (ҳужжатларни топшириш вақтида паспортнинг асл нусхаси кўрсатилади);
- олий маълумот тўғрисидаги диплом; меҳнат дафтрасининг нусхаси; ўтказилган аттестация натижалари бўйича берилган сертификат нусхаси; 3,5x4,5 см. ўлчамдаги 4 та рангли фотосурат.

Танловда қатнашиш учун номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш ишлари мазкур эълон берилган санадан бошлаб 20 кун давом этади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент «Темурбеклар мактаби» харбий-академик лицейи манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янгизамон кўчаси, 10-«А» уй. Мурожаат учун телефонлар: +998-71-291-48-26, +998-99-724-30-47.

TENDER O‘TKAZILISHI TO‘G‘RISIDA E‘LON

ATB «QISHLOQ QURILISH BANK»

«DWH & BI» ma‘lumotlarni saqlash va tahlil qilish axborot tizimini yaratish» predmeti bo‘yicha tender o‘tkazilishi to‘g‘risida e‘lon qiladi.

Tender elektron shaklda o‘tkaziladi. Xaridning boshlang‘ich narxi QQSsiz 1 890 000 AQSH dollari.

Tenderni o‘tkazish manzili: O‘zbekiston Respublikasi, 100011, Toshkent shahri, Navoiy ko‘chasi, 18-«A» uy. Elektron tenderni o‘tkazayotgan operatorning nomi va uning sayti: O‘zRTXB, www.etender.uzex.uz

Tender tashkilotchisi (Buyurtmachi): ATB «Qishloq qurilish bank», manzil: O‘zbekiston Respublikasi, 100011, Toshkent shahri, Navoiy ko‘chasi, 18-«A» uy.

Aloqa uchun shaxslar: korporativ xaridlar boshqarmasi boshlig‘i M. M. Umarxodjaev, tel.: 78-129-77-76.

Tender ishtirokchisiga bo‘lgan talablar: xarid hujjati talablariga muvofiq bo‘lgan har qanday tashkilot ishtirokchi bo‘lishi mumkin.

Tender o‘tkazish shartlari va tartibi to‘g‘risida batafsil ma‘lumot xarid hujjatida keltirilgan.

Xarid hujjatini maxsus axborot portalida <https://etender.uzex.uz/lot/279056-lot> orqali yoki buyurtmachining saytidan olish mumkin.

Xarid hujjati qoidalari ma‘lumoti so‘rov shakli — portalning ochiq elektron chati orqali amalga oshiriladi. <http://xarid.uz/fillingform>

Takliflarni topshirish yakuniy muddati — etender.uzex.uz portalidagi e‘londa belgilangan vaqt.

Takliflar rasmiylashtirilishi bo‘yicha talablar: takliflar maxsus axborot portalida elektron shaklda taqdim etiladi. Takliflar rasmiylashtirilishi bo‘yicha batafsil talablar xarid hujjatida bayon etilgan.

• MANZILIMIZ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиев,
Мусаҳҳих — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Тошпирилди — 23.35 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанимиз ҳақидаги маълумотларни кўляб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 90-371-64-04;
Эълонлар 90-999-77-65.

Таҳририятга келган қўёғмазар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанимизнинг тарғиб-реклама ишлари учун бўлгани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер тарғиб-реклама тарғиб-реклама оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанимизнинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-253-11-07.

ISSN 2010-4784